

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Хушбоқова Нигора Ғайрат кизи

Термиз давлат университети Юридик факультети
Юриспруденция таълим йўналиши 4-босқич талабаси

Nigora.0303@icloud.com

Аннотация: Ушбу мақолада қонунлар ижроси устидан прокурор текширувлари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ушбу текширувларни ўтказиш асослари, прокурор қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнидаги ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Бош прокурорининг қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилган қарорлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: прокурор назорати, назорат предмети, текширув асослари, тармоқ иш режалари, раҳбарият кўрсатмалари, ҳайъат қарорлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, оммавий ахборот воситалари хабарлари, умумлаштирилган таҳлилий маълумотнома, қонунлар ижроси, мурожаат, профилактика, ҳуқуқбузарлик.

“...прокуратура фаолиятини ислоҳ қилиш, уни собиқ тузум даврида бўлганидек партиявий элита қўлидаги жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинди”¹

Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, уларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш функциясини кучайтириш борасида жиддий ишлар амалга оширилди.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган инсонлар, биринчи навбатда, раҳбар ходимлар, фуқароларнинг Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши, бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳитни яратиш ғоят муҳим ва долзарб вазифага айланмоқда.

Конституция ва қонун устуворлигини, давлат органлари ҳужжатлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари қонунларга тўлиқ мувофиқ бўлишини таъминлаш, қонунлар ижросини самарали ташкил этиш борасида Прокуратура органининг ҳиссаси кенг.

Қонунни тўғри татбиқ этиш дейилганда, аввало, қонунбузарлик ҳамда қонунга риоя қилмаслик ҳолларини тез ва тўла очиш, ҳар қандай қонунбузарнинг жавобгарликка тортилиши муқаррарлигини таъминлаш тушунилади. Ҳар бир жиноят содир этган шахс, у ўз қилмишини яширишга қанчалик уринмасин, фош этилишига, айни вақтда, айби бўлмаган ҳеч бир шахс ноҳақ жавобгарликка тортилмаслигига эришиш - **одил судловнинг туб кафолатидир.**

Жиноий-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ишларда прокуратура органлари салмоқли ўрин тутди. Қонунларни ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда прокурорларнинг вазифалари республика ҳудудида қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ва фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашдан иборат.

¹ <https://arxiv.uz/uz/documents/referatlar/huquqshunoslik/qonunlar-ijrosi-ustidan-prokuror-nazorati>

Шунингдек, жамиятда ижтимоий адолат ва қонунийликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ва давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан чиқарилган ҳуқуқий актларнинг Конституция ва бошқа қонунларга, шунингдек, Президент Фармонлари, Қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мос эканлигини текширишдан иборатдир².

Прокурор назорати, бу – Ўзбекистон Республикаси номидан, унинг ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг давлат органи сифатидаги махсус фаолиятидир.

Прокурор назорати давлат фаолиятининг мустақил, ўзига хос тури ҳисобланади. Ушбу фаолиятни прокуратура органларидан бошқа ҳеч бир давлат идораси, ташкилоти, жамоат ташкилотлари, ёинки, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, шунингдек, мансабдор ёки жисмоний шахслари амалга ошира олмайдилар. Прокурор назоратининг мустақиллиги ҳар қандай давлат ташкилоти, сиёсий ташкилот ёки жамоат ташкилотларидан ҳоли тарзда, фақатгина қонун билан белгиланган ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари ва қонун ости ҳужжатлари талабларига назорат объектлари томонидан риоя қилиниши, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратнинг амалга оширилишида ҳам ифодаланади.

Прокуратура органлари давлат бошқаруви соҳасида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошира бориб, жамият ва давлат олдида турган фуқаролар эҳтиёжларини қондириш, уларнинг моддий таъминотини яхшилаш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш каби вазифаларнинг бажарилишига шароит яратадилар. Бошқача қилиб айтганда, прокурор умумий назорат соҳасида ўз ваколатларини амалга ошира бориб, бошқа орган ва ташкилотлар билан биргаликда сиёсий, давлат, иқтисодий, ижтимоий, миллий ва маданий қурилиш масалаларини ҳал қиладилар.

Умумий маънода, прокурорларнинг умумий назорат бўйича фаолиятининг предмети Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратдир.

Назорат предмети борасида бир муҳим ўзгаришни кўрсатиб ўтиш керак. 1992-йил 9-декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунидан фарқли равишда 2001-йил 29-августда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида “фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари” устидан назорат кўзда тутилмаган. Яъни, прокуратура органлари фуқароларни таъқиб-таъйиқ остига олувчи орган сифатида эмас, балки уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида жамиятда ролини ошириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”³ги Қонунининг “Прокурор назорати” деб номланган учинчи бўлимида таъкидланишича, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади.

Қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини

² <https://proacademy.uz/postfiles/books/mq/rc/index.html>

³Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент ш, 2001-йил 29-август, 257-II-сон.

<https://lex.uz/docs/106197>

талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

Прокурор жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро қилиниши устидан ҳам назорат ўрнатади. Бунда жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва терговни олиб боришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашга қаратилган бошқа қонунларнинг бажарилиши назорат предмети бўлади.

Прокурор қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида ўз ваколатлари доирасида:

- ✓ **вазирликлар, давлат кўмиталари, идораларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг худуди ва хоналарига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни кўришга, текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга;**
- ✓ **давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;**
- ✓ **мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.**

Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун кенг кўламли вазибалар белгилаб олиш ва унинг ижросини самарали ташкил қилиш зарур, бунинг учун алоҳида механизм шакллантириш лозим.

Ҳар битта қонуннинг ижросини назорати юзасидан шу механизм орқали амалга ошириш зарур, яъни:

- қонун ҳужжатлари ижросининг ягона амалиётини жорий этиш;
- ҳуқуқни қўллаш амалиётининг қонун ҳужжатларини қабул қилиш мақсадларига мувофиқлигини органиш;
- ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг толиқлигини таъминлаш;
- қонун ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқлигини таъминлаш;
- қонун ҳужжатларидаги қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, коррупцияга оид омиллар, бир-бирини такрорловчи ва коллизия нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш.

Қонунлар ижроси юзасидан текширишлар, асосан, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўтказилади. Текширишнинг йўналишидан қатъий назар, бу объектда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек, фуқаролар ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳал қилиниши ҳамда ҳуқуқий хизмат ишининг самарадорлигини ўрганишга комплекс ёндашиш талаб қилинади.

Текширишлар назорат қилувчи раҳбар томонидан тасдиқланган режа асосида ўтказилиб, белгиланган муддатда яқунланиши, текширишга масъул бўлган ходим шу вақт мобайнида мутасадди мансабдор шахслардан қонун бузилишига сабаб бўлган ҳолатлар бўйича батафсил тушунтиришлар олиб, барча ҳужжатларни жамлаб, натижаси ҳақида назорат қилувчи раҳбарга маълум қилиши ва прокурор назорати ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаши лозим. Текширишга бир неча ходим ижрочи сифатида жалб этилганда, рўйхатда биринчи кўрсатилган шахс ижро учун **асосий масъул** ҳисобланади.

Текширишда иштирок этган ходимлар текширилган объект муқаддам назорат идоралари томонидан ўтказилган текшириш натижаларига ҳуқуқий баҳо беришлари ва натижаси бўйича тавсия киритишлари зарур.

Текшириш натижалари бўйича **15 варақдан** кам бўлмаган, **умумлаштирилган таҳлилий маълумотнома** тузилади ва текширишга масъул бўлган прокуратура ходими, жалб қилинган тегишли мутахассислар, текширилган объектнинг мансабдор ёки молга жавобгар шахслари томонидан имзоланади. Маълумотномага илова қилинаётган бошқа ҳужжатлар ушбу ҳужжатларни тузган, шунингдек, текширилган объектнинг мансабдор ёки молга жавобгар шахслари томонидан имзоланади.

Прокурорлар давлатдаги қонунийлик ҳолатида бевосита акс этаётган устувор йўналишларни танлаб олишлари лозим деб баҳолайдилар.

Хусусан, И.Басковнинг фикри бўйича бу йўналишлар сони 9 тани, А.Давлетовнинг фикри бўйича 11 тани, амалиётчи мутахассис А.Мелниковнинг фикри бўйича 5 тани ташкил этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 13-декабрь куни қабул қилинган “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁴ги Қарорининг 4-бандида Қонунлар ижросини таъминлашнинг самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ мақсадлар белгиланган.

Жумладан:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ҳамда қонуности ҳужжатларининг қабул қилинишини мониторинг қилиб бориш, қабул қилинган қонунларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш ва кучайтириш;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий судига жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишда қонунларнинг бир хил ва тўғри қўлланилиши ҳолатларини ўрганиш юзасидан суд амалиётини ҳар чоракда умумлаштириб бориш, заруратга кўра тегишли Пленум қарорларини қабул қилиш;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунлар ижросининг мақсадли ва комплекс ўрганилишини ҳамда унинг натижаларини режа асосида ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида муҳокама қилиб борилишини таъминлаш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017-йил 5-декабрдаги “Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 172-сонли буйруғи билан тасдиқланган намунавий регламентда прокурор текширувларини ўтказишнинг қатъий асослари белгилаб қўйилган.

Унга мувофиқ, қуйидаги асослар бўлганда қонунлар ижроси бўйича прокурор текширувлари ўтказилиши мумкин:

Таркибий тармоқлар иш режалари;

Ҳайъат қарорлари;

Раҳбарият кўрсатмалари;

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

Қонунбузилиши ҳақидаги маълумотлар;

Оммавий-ахборот воситаларининг хабарлари.

Юқорида келтирилган прокурор текширувларини ўтказиш асосларининг мазмунини тушуниб олиш учун уларнинг ҳар бирига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Таркибий тармоқ иш режалари.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Тошкент ш, 2019-йил 13-декабрь, ПҚ-4551-сон.

<https://lex.uz/docs/4647329>

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги буйруғи билан тасдиқланган **Намунавий Регламент** талабига асосан, Бош прокуратура иш режалари қонунийлик аҳволи жиноятчилик таҳлили асосида ҳар **олти ойга** мўлжалланган ҳолда тузилади.

Бош прокуратура иш режасининг лойиҳаси ташкилий-назорат ва таҳлилоти бошқармаси томонидан таркибий тармоқлар, Департамент ва Бюронинг таклифлари асосида тайёрланади. Иш режаларга таклифлар Бош прокурор ўринбосарлари билан келишилган ва асослантирилган бўлиши унда тадбирлар ижросига масъул ва иштирок этиши лозим бўлган таркибий тармоқлар, тадбирнинг ижро муддати, натижасини амалга ошириш шакллари ва бошқа зарур маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Ҳайъат қарорлари. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, прокуратура органларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда тузиладиган ҳайъатлар маслаҳат органлари бўлиб, улар қонунийлик ва жиноятчиликнинг ҳолатига, прокуратура органларининг фаолиятига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқлари ва кўрсатмаларининг ижросига, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишга доир ва бошқа масалаларни кўриб чиқади, прокурорларнинг, прокуратура органлари тузилмавий бўлинмалари раҳбарларининг ва бошқа ходимларининг ҳисоботларини эшитади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли буйруғи билан тасдиқланган Намунавий Регламентнинг 20.8-бандига асосан, ҳайъат қарори лойиҳасида кўрилаётган масала бўйича таҳлил, асосий хулосалар, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари ва камчиликларни бартараф этиш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар акс эттирилади.

Мазкур регламентнинг 20.15-бандига мувофиқ, ҳайъат муҳокамаси якуни бўйича ҳайъат аъзолари томонидан ҳайъат қарори лойиҳасига фикр билдирилади. Кўриб чиқиладиган масала юзасидан ҳайъат қарори кўпчилик овози билан, якуний қарор эса тегишли ҳайъат мажлисида раислик қилувчи томонидан қабул қилинади. Зарур ҳолларда ҳайъат қарорига мувофиқ ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжатлар тайёрланади ва Бош прокуратура раҳбариятига имзолаш учун тақдим этилади. Шунингдек, регламентнинг 20.18-бандига биноан, ҳайъат қароридан келиб чиқадиган вазифалар тезкор йиғилишларда муҳокама қилиниб, натижасига кўра, ходимларнинг вазифалари белгиланади, зарур ҳолларда, тегишли чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилади ва ижроси устидан назорат таъминланади. Демак, ҳайъат қарори асосида прокурор текширувлари ўтказилганда ҳам, унинг ижроси устидан юқори турувчи прокуратура томонидан назорат таъминланади. Жумладан, ҳайъат мажлиси қарори ва шу асосда қабул қилинган ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжатларни белгиланган муддатда, тўлиқ ва сифатли ижро этиш юзасидан масъулият Бош прокурорнинг соҳавий ўринбосарлари, таркибий тармоқлар, Департамент бошлиқлари ва Бюро директори, вилоят прокурорлари зиммасига юклатилади.

Раҳбарият кўрсатмалари. Бош прокуратурада хизматда фойдаланиладиган ҳужжатлар, қоида тариқасида, қуйидаги турларга бўлинади:

- ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжатлар;
- ижроси барча прокуратура, Департамент ва Бюро органлари учун умуммажбурий бўлган ҳужжатлар;
- ахборот-услубий ва таҳлилий хусусиятидаги ҳужжатлар;
- ёзишма ҳужжатлар.

Ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжатлар тоифасига:

- Бош прокурорнинг буйруқ, кўрсатма ва фармойишлари;

-Бош прокурорнинг буйруғи билан тасдиқланган регламент, низомлар, йўриқномалар, тартиблар, вақтинча тартиблар, касб одобномаси, прокуратура органлари олдида қўйилган асосий вазифа ва функцияларни амалга ошириш тартибини белгиловчи бошқа ҳужжатлар;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат ва бошқа давлат органлари билан биргаликда ишлаб чиқилган қўшма буйруқ, фармойиш, кўрсатма ва бошқа ҳужжатлар киритилади.

Бундан ташқари, **ижроси барча прокуратура органлари учун умуммажбурий бўлган ҳужжатлар тоифасига** Бош прокурор ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланган муайян масала бўйича аниқ талаблар қўйилган, бажариш шакли ва ахборот бериш муддати қайд қилинган топшириқ ёки кўрсатма ҳам киради.

Демак, юқоридагиларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, прокурор текширувини ўтказишга асос бўладиган раҳбарият кўрсатмалари ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжат ёки умуммажбурий бўлган ҳужжат сифатида қабул қилинади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи билан тасдиқланган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг шахсий қабулини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг 1.3-бандига кўра, мурожаат жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда баён этилган индивидуал ёки жамоавий аризаси, таклифи ёки шикоят ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-йил 11-сентябрдаги ЎРҚ-445-сонли “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”⁵ги Қонуни 5-моддасига кўра, аризалар, таклифлар ва шикоятлар мурожаатларнинг турлари ҳисобланади. Шунингдек, мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин эканлиги қайд этилган.

Қонунбузилиши ҳақидаги маълумотлар. Мансабдор шахслар, фуқаролар, корхона, муассаса ёки ташкилотларнинг ёзма, расм, аудио, видео ёки бошқа кўринишдаги, қонунбузилиши ҳолатлари тўғрисида муайян фактик ҳолатларни тасдиқловчи асослар қонунбузилиши ҳақидаги маълумотлар ҳисобланиши мумкин.

Оммавий-ахборот воситаларининг хабарлари. Ўзбекистон Республикасининг 2007-йил 15-январдаги ЎРҚ-78-сонли “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”⁶ги Қонуни 4-моддасига асосан, оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (телерадио, видео, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) **олти ойда камида бир марта** нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган, қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир. Мазкур воситалар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши бузилганлиги ва (ёки) бузилаётганлиги тўғрисидаги прокурор текширувини ўтказишга асос бўладиган ахборот ёки билдириш юқоридаги буйруқда назарда тутилган оммавий-ахборот воситаларининг хабарларидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://arxiv.uz/uz/documents/referatlar/huquqshunoslik/qonunlar-ijrosi-ustidan-prokuror-nazorati>;
2. <https://proacademy.uz/postfiles/books/mq/rc/index.html>;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент ш, 2001-йил 29-август, 257-II-сон.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент ш, 2017-йил 11-сентябр, ЎРҚ-445-сон.

[хттпс://lex.uz/doss/-3336169](https://lex.uz/doss/-3336169)

⁶Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент ш, 2007-йил 15-январ, ЎРҚ-78-сон.

<https://lex.uz/docs/1106870>

- <https://lex.uz/docs/106197>;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Тошкент ш, 2019-йил 13-декабрь, ПҚ-4551-сон.
<https://lex.uz/docs/4647329>;
 5. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент ш, 2017-йил 11-сентябр, ЎРҚ-445-сон.
<https://lex.uz/docs/-3336169>;
 6. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент ш, 2007-йил 15-январ, ЎРҚ-78-сон.
<https://lex.uz/docs/1106870>;
 7. [file:///C:/Users/user/Downloads/raxmonjon,+Жумаев%20\(1\).pdf](file:///C:/Users/user/Downloads/raxmonjon,+Жумаев%20(1).pdf).